



"Мозийга кайтиб иш кўриш хайрликдир, дейдилар". Абдулла Кодирий шу биргина оддий ибора билан икки фикрни илгари сурмокчи. Биринчиси — мавзуни мозийдан танланганига ишора. Иккинчиси эса мозийга, яъни ўтмишда рўй берган воқеаларга киёсан бугунги ишларга муносабат билдириш тўгридир, деган фикр. Ана шу иккинчи фикрда ёзувчининг тарихий романни ёзишдан кўзда тутган максади ўз аксини топган. Абдулла Кодирий ва Ойбекдек ёзувчилар учун тарихий мавзуу китобхонга ўтмишдаги турли-туман кишилар ва воқеаларни чапдастлик билан кўрсатувчи калейдоскоп эмас. Улар мозийда содир бўлган ё содир бўлиши мумкин хисобланган воқеаларни жонлантириш оркали халкнинг бугунги тақдирига таъсир кўрсатажак хавф-хатардан хам огохлантирадилар, кечаги сабоклардан хулоса чикаришга китобхонни, демак, халкни даъват этадилар. Шунинг учун хам "Ўтган кунлар" ва "Кутлуг кон" романларидағи таг маънони топиш уларнинг гоявий йўналишларини белгилашга караганда мухимдир. Абдулла Кодирий ўзининг биринчи романига нима учун ўтган асрнинг иккинчи палласига оид воқеаларни танлади? Ойбек нима учун Биринчи жаҳон уруши ва у билан бөглиқ воқеаларни каламга олди? Уларнинг бошка, олисрек тарихий давлардан қаҳрамонларни танлаши мумкин эмасмиди? Масалан, Ойбек Алишер Навоий хаёти ва яшаган даврига биринчи романидаёк назар ташлаши мумкин эди-ку!

Шубҳасиз, мумкин эди. Лекин улар бошка йўлни танладилар.

Замондошларнинг айтишларига кўра, Абдулла Кодирий ўз романини ёзишга 1918—1919 йилларда киришган. Ойбек эса 1938 йил ўрталарида романнинг биринчи нусхасини кўлдан чикарган. Биз "Кутлуг кон"нинг яратилиш тарихига оид баъзи бир маълумотларга эгамиз. Адибнинг рафиқаси Зарифахонимнинг гувохлик беришига кўра, Ойбек 1937 йил сурони уни четлаб ўтаётганига озми-кўпми умид хосил килгач, роман ёзишга киришган. "Бу даҳшатли кунлар ўтиб, дориломон замонлар келса, мен бу замонларни бўш кўлларим билан кутиб оламанми?!" деган ва кутлуг кунлар келишига умид бөглаб, узок давом этган ишсизлик йилларида (бу вактда у Тил ва адабиёт институти хамда Ёзувчилар уюшмасидан хайдалган, асарлари эса, матбуот кўчасига йўлатилмаган эди!) улкан насрый асарини ёза бошлаган.

Адибда ушбу романни яратиш нияти пайдо бўлишидан олдин, у 1936 йил ёзида, А.С.Пушкиннинг "Евгений Онегин" шеърий романини таржима килган эди. Агар 1937 йил ўзининг конли киличи билан халк ва мамлакат хаётига кириб келмаганида, Ойбек, эҳтимол, рус шоири таъсирида ишкий-қаҳрамонлик мавзуидаги дастлабки ўзбек шеърий романини яратган бўлармиди? Лекин у хатто номи хам 1937 — 1938 йиллар руҳига хамоҳанг бўлган "Кутлуг кон" романини ёзишни айни вакти, деб билди.

Адиб таржимаи холида ижодий хаётининг худди шу даври тўгрисида бундай ёзган: "Мен

таржима билан шугуллана бориб, роман ёзишга ахд килдим. Романда ўзбек халкининг революциядан олдинги хаётини, унинг ўз хак-хукуки учун курашга интилишини ва бу харакатнинг машхур 1916 йил кўзголонига кўшилишини хикоя килмокчи бўлдим". Ойбек романда болалик даври хотиралари кенг ўрин эгаллаганини айтгач, яна бундай деган: "Мен ўз каҳрамонларим киёфасида бўлажак революцион курашчиларни, совет жамиятини курувчиларни пайкаб олган эдим. "Кутлуг кон" романимни ёзиш учун материал йигиб ўтирадим, роман учун материал кўнгилдан, хотирадан куйилиб келаверди, шу тарзда киска фурсатда — 1938 йил ёзида уни тамомладим".

Бугун адибнинг бу сўзлари ортида хали хам 1937 йил хадиги турганини сезмай иложимиз йўқ. 1916 йили чор полицияси махкамасини кўпориб ташлаш учун борган Йўлчиларнинг совет жамияти курувчиларига алокаси бўлмаганини яхши биламиз. Ойбек 1937 йилнинг ялангоч киличи ўзбек халкини каллаклаб турганида 1916 йил кўзголонини кўз олдига келтирган, халкнинг, Йўлчиларнинг конхўр, мустабид тузумга карши бош кўтаришини истаган ва шу истак унинг кўлига калам тутказган бўлиши эҳтимолдан узок эмас.

Сталин чор хокимиютини "халклар турмаси", деб атаган эди. Сталинизм йилларида ёзувчиларга чор хокимиюти давридаги зулмни, бедодликни тасвирлаш имкони берилган Ойбек сталинизм берган ана шу якка-ю ягона имкониятдан фойдаланиб, мустамлакачилик сиёсатига карши кўтарилиган 1916 йил кўзголонини, халкнинг топталган хак-хукуки учун олиб борган курашини бадиий гавдалантириб берди. У ўз асари билан 1937 йилнинг конли воеаларига фаол муносабат билдириди. 1916 йил чор хокимиютининг фармони келтирган хўрликлар олдида 1937 йил даҳшатлари хеч гап эмас халк хар кандай замонда ва хар кандай шароитда зулмга карши ўз хак-хукуклари учун курашиши лозим, деган гояни асарнинг пинхоний катламига сингдирди.

Хўш, Абдулла Кодирий-чи? Адиб ўз романини 1918—1914 йилларда ёзишга киришган ва асарни бosh каҳрамоннинг "Олма-ота устидаги ўрус билан тўкунишма"да халок бўлиши хабари билан тугатган. Демак, адибнинг 1918—1919 йилларда, Туркистон Мухторияти конга ботирилиб, чор мустамлакачилари ўрнини большевиклар эгаллаб, энди улар ўз кучларини намойиш эта бошлаган пайтда "Ўтган кунлар'ни ёза бошлагани тасодифий эмас.

Хуллас, хар иккала роман муаллифларнинг муҳим замонавий муаммоларни ўртага ташлаш, замондошларни ва келажак авлодларни тарих сабокларидан хулоса чиқаришга даъват этиш максадида тарихий материалга мурожаат этганларидан шаходат бериб турибди. Демак, тарих бу адиблар учун шунчаки мозийга, "ўтган кунлар"га назар ташлаш эмас, балки мозийга кайтиб иш кўриш, ўтмишдаги тарихни тажрибалар асосида халкнинг дунёкараши, фаолият даражаси, тафаккури ва интилишларига таъсир кўрсатишдир.

Шу нарсани ахборот тарзида айтиш лозим. 30-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон Фанлар кўмитаси кошидаги тил ва адабиёт институтига замонавий адабий жараён ва шу жараёнда иштирок этаётган "кекса" ёзувчилар ижодини марксча-ленинча таълимот нуктаи назаридан ўрганиш

вазифаси топширилган. Шу топширикка биноан Ойбек Абдулла Кодирий, Хамид Олимжон Фитрат, Шайхзода эса Чўлпон ижодини ўрганганлар. Шайхзоданинг Чўлпон ижоди бўйича бирор рисола ёки макола ёзганлиги тўгрисида маълумот йўқ. Хамид Олимжон "Фитратнинг адабий ижоди тўгрисида" деган каттагина адабий-танкидий очеркини 1936 йилда ўзбек ва рус тилларида эълон килган. Ойбек эса "Абдулла Кодирийнинг ижодий йўли" устида олиб борган кузатишлиарини монография тарзида шу йили нашр этди. Биз 1966 йили Ойбек "Муқаммал асарлар тўплами"ни нашрга тайёрлаш

ишига киришганимизда, адиб бу тадқикотидан рози эмаслигини, уни коммунистик мафкура таъсирида ёзганини айтган. Чиндан-да, мазкур рисоланинг руҳи ҳам, текшириш услуби-ю айрим хулосалари ҳам бугунги илмий тафаккур билан уйгунашмайди. Бу фикрни айтишдан мурод шуки, Ойбекнинг "Кутлуг кон" романини "марксча-ленинча таълимотдан узок" "буржуа адиби"нинг бевосита таъсири остида ёзиши, унинг адабий тажрибасидан самарали фойдаланиши маҳол эди. Бу, 1937 йил сиртмоги ҳали бўйнидан олинмаган адиб учун ўта хатарли эди. Шунинг учун ҳам ҳар иккала роман ўртасидаги муштарак ва ўзаро ҳамоҳанг нукталардан бир томонлама хулоса чиқариш ва Ойбекни таклидчи даражасига тушириш мутлако хатодир. Зеро, адабий муштараклик ўзаро якин ёзувчилар ижодидагина эмас, балки бошка-бошка асрларда ва бошка-бошка миллий адабиётларга мансуб ёзувчиларнинг асарларида ҳам мавжуд бўлиши хеч кимга сир эмас. Агар Ойбекнинг насрый ижодига назар ташласак, марокли бир холни кўрамиз:

"Навоий" романни улуг шоирнинг Хиротга келиш ҳабари билан бошланади. "Олтин водийдан шабадалар" романни воеалари Ўқтамнинг Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларидан кайтиб келиши билан бошланади. "Кутлуг кон" ҳам шундай муқаддимага эга: асар бошланмаси Йўлчининг Тошкентга, тогаси Мирзакаримбой хонадонига келиши билан боғлик.

Инсон, киска ё узок умр кўришидан катъи назар, бу дунёга меҳмон бўлиб келади. Кимдир: "Дунёга келдиму бордим бозорга, Кафан олдим-у кетдим мозорга", деган экан. Шоирлар-у файласуфлар инсон умрининг ана шундай кискалигини унинг юзига солиш билан кишиларни эзгуликка, са-воб ишларни килишга чорламокчи бўлганлар, улар устидан хукмронлик килган шахслар олдида Адолат ва Ҳакикат чирогини ёкишга интилганлар. Лекин кишилик жамият пайдо бўлибдик, кимдир камбагал, кимдир бой; кимдир эзилади, кимдир эзади. Табакаланиш оқибатида униси ҳам буниси ҳам, умид билан яшайди. Агар биринчиси ўз ахволининг яхшиланишига умид bogласа, иккинчиси янада бойишдан умидвор.

"Кутлуг кон"нинг қаҳрамони Йўлчини ҳам бой тогаси хонадонига ана шундай умид етаклаб келади.

"Вакт пешиндан оккан эди. Июль ойининг куёши ҳамма ёкни олов сели билан тўлдирган, ҳаво аллакандай ок аланга билан жимгина ёнгандай..."

Қаҳратон кишида яланг оёқ муз босиб, саратонда кизгин кум кечиб, иссикда, совукда обдон пишган бизнинг йигитни ҳам (катта масофани пиёда босгани учунми) кун хийла бетокат килган эди. У куйиб ётган билк-билк юмшок тупрокда салмокли оёкларини илдам ва йирик-йирик босар, кўзлаган жойига тезрок етишга ошикиб, ўткинчилардан сўрар эди: Тўпкайрагочга якин колдими?.."

Роман шундай сўзлар билан бошланади. Сўнг бундай ту-гайди:

"Кок ярим кечада Йўлчини тобутга солиб, ховлида уч киши — Шокир ота, Коратой, Ўроз — жаноза ўкишиди. Бошка одам йўклигидан ва кечаси махалладан йигитларни чакириш анча ҳавфли бўлганидан, Коратой билан Ўроз ўз кучларига ишониб, тобутни кўтардилар..."

Унсин кабр тупрогига гоҳ бошини, гоҳ кўксини кўйиб, ўлчовсиз, нихоясиз кайгу билан узок йиглади. Юлдузлар хираланиб, жимгина сўнаркан, Шокир ота унинг кўлидан тутиб, куч билан судраб етаклади.

Улар жуда секин юришди. Йўлни ярмидан ўтганда, уфкларга кон каби тоза, кизил шуълалар югурди. Чикаётган куёшни саломлаб яшил дарахтларда кушлар сайрай бошлади... " (358-бет).

Йўлчи "вакт пешиндан оккан"да роман сахифаларига кириб келган эди. Кок ярим кечада унинг дафн этилиши билан асар тугайди. Икки ярим — уч йил ичидаги рўй берган воқеалар пешин билан кок ярим кеча ўртасида кечгандек таассурот колдиради, кишида.

"Ўтган кунлар" хам шундай колипга эга. 1264 хижрий йили далв (22 январь — 22 февраль) ойининг ўн еттинчисида Отабек Маргилонга, мусофирилар учун бино этилган саройга келиб тушади.

А.Кодирий куйидаги сўзлари билан асарга нукта кўяди: "1277 йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек хожи Каноатшодан бир хат олди. Каноатшо Авлиёотадан ёзар эди: "Ўглингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг кўшинда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўкунушмамиизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қахрамонона урушиб, шахид бўлди. Мен ўз кўлим билан иккисини дафн этдим..."

Юсуфбек хожи хатми куръон килиб, юрга ош берди. Ўзбек ойим кора кийиб, таъзия очди" (303-бет).

Агар биринчи асар икки ярим-уч йиллик воқеалар тасвирига багишланган ва бу воқеалар Йўлчининг Тошкентга келиши билан ўлими ўртасида бўлиб ўтган бўлса, Отабек-нинг Маргилонга келиши билан ўлими ўртасида кечган тўккиз йиллик воқеалар иккинчи романнинг мундарижасини ташкил этади.

Хар иккала қахрамонни тенгдош, дейиш мумкин. Йўлчи, илк бор кўришганимизда 23, Отабек эса 24 ёшда бўлишган. Агар Йўлчи камбагал бўлса ва ночорлиги оркасида бой тогасининг хузурига иш кидириб келган бўлса, Отабек ҳалкнинг бадавлат кавмига мансуб ва у Маргилонга савдо ишлари билан боради. Агар Йўлчи Тошкентда Гулнорни кўрган ва уни севиб колган бўлса, Отабек Маргилон гўзалига ошик бўлиб колади. Агар Отабекнинг баҳти мухаббатига Хомид тўганок бўлган бўлса, Гулнорга Йўлчининг тогаси, кекса Мирзакаримбойнинг ўзи уйланади. Агар Отабекнинг Кумуш билан курган баҳт кошонаси "ота-она орзуси" туфайли барбод бўлиб, кундош Зайнаб Кумушни захарлаб ўлдириган бўлса, Гулнор ота меросининг таксимланиши хавфидан кўрккан Салимбойвачча томонидан захарлаб ўлдирилади. Агар хаётининг маъноси колмаган Отабек ота уйини тарқ этиб, Олмаота бўсагасидаги истилочилар билан урушда шаҳид кетган бўлса, Йўлчи 1916 йил миллий озодлик харака-тида иштирок этиб, халок бўлади. Шундай килиб, хар иккала адид воқеалар оқимини ривожлантира бориб, эркинлик ва мустакиллик учун, истилочиларга карши кураш лавхалари билан бөлгайди. Тўгри, агар Зайнаб Отабекнинг баҳтига захар сочмаганида, у савдо ишлари билан машгул бўлишда давом этган бўларди. Зоро, у XIX асрнинг 60 — 70 йилларида яшаган, хали фаол харакатга кўникмаган авлоднинг вакили. У Йўлчига нисбатан акли, дунё воқеаларидан яхши хабардор, тадбиркор, ҳалкнинг, хусусан бекларнинг тутувсизлиги оркасида содир бўлган вазиятдан изтироб чекувчи йигит. Агар у (Отабек) истилочилар билан курашда тирик колганида, XX аср бошларида етишиб чиккан жадидлар билан хам маслақдош бўлиши мумкин ЭАИ. Йўлчи эса Мирзакаримбой хонадонидаги адолатсизликни кўравериб, дунёкараши секин-аста ўзгариб боради. У ҳалк бойлар ва камбагаллардан иборат, улар ўртасидаги кураш эса узлуксиздир, деган хуносага келади. Йўлчига нисбатан акл-заковат сохиби бўлишига карамай, Отабекнинг бундай карорга келиши мумкин эмас. Йўлчи Гулнорни йўкотганлиги учунгина ўзини ўтга-чўкка урмайди. У янги давлатнинг, инкилобий даврнинг фарзанди. Зулм унда кураш рухини, адолат, тенглик, ор-номус учун кураш хошишини уйготган. Йўлчи, Отабекдан фарқли уларок, алолатсизликка карши бош кўтарган ҳалкнинг — XX аср бошларидағи ҳалкнинг вакили ва фаол харакат кишисидир.

Йўлчи сингари кишилар окил ва доно йўлбошли раҳбарлигига иш олиб борганларилагина тарих ижодкорларига айланишлари мумкин. Акс холла уларнинг Йўлчидек ё халок бўлиши, ё халкни эгри кўчаларга етаклаши хеч гап эмас. Йўлчининг ўлими маълум маънода 1916 йил кўзголонига раҳбарлик килувчи окил бир кучнинг бўлмагани натижасидир.

Мутахассислар Абдулла Кодирийни Отабекнинг асосий прототипи, деб биладилар. Чиндан хам, адаб "Ўтган кун-лар"ни ёзишга киришган вактда Отабек билан тенгдош бўлган хамда ўзининг айрим ижтимоий ва маънавий-маърифий карашларини Отабек образи оркали акс эттирган. Аммо у, Отабекдан фарқди ўларок, 1917 йил воқеалари рўй берганда, шунингдек, Туркистон Мухторият хукумати барпо этилган ва тугатилган вактда хаёт бўлган эса-да, уларнинг бирортасида иштирок этмаган. Отабек хам тирик колганида, юкорида айтиб ўтганимиздек, асар муаллифи сингари, ижтимоий фаол кишилар кавмига мансуб бўлмаган бўларми? Ё Абдулла Кодирий ва Отабек сингари кишиларнинг ўзларини ўтга-чўкка урмасликлари, жамиятда кечаётган курашни четдан туриб кузатгандали акл-заковат белгисимикан?!

Хар холда шу нарса аникки, Йўлчи тоифасидаги кишиларнинг халқ харакатидан четда туриши махол. Улар бу курашда, худди йўксиллар сингари, факат ўз кишанларинигина йўкотишлари мумкин. Шунинг учун хам улар бу курашга жон-жахдлари билан киришадилар. Йўлчи худди шу нуктада кашшоклашган, бинобарин, ижтимоий зулм камчисини ўз елкасида хар куни тотиб, зулмга ва зулм оламига карши бош кўтариши мумкин бўлган халкнинг тимсоли даражасига кўтарилади. Шу маънода у Отабекка нисбатан халкнинг ич-ичидан чиккан ва ўзида халқ характерини ифодалаган қаҳрамондир.

Яна шу нарса борки, халқ хар доим хам жўшиб турган денгиздек бўлмайди. Жамият уни ўз исканжасига олиб, бу исканжа уни тобора эза бошлагандагина у азбаройи бўғилганидан фарёд чекиб, зулм ваadolatсизликка карши бош кўтаради. Агар 1916 йили, Тошкентга "ок подшо"нинг мар-дикорликка олиш хакидаги фармони етиб келмагани ва, бу фармонга кўра, бойларнинг фарзандлари хам мардикорликка юборилувчилар рўйхатига киритилганида халқ балки кўзголон кўтармаган ва бу кўзголон алангаси бутун Ўрта Осиё ва Козогистонни забт этмаган бўларми. Бинобарин, халқ тарихнинг муайян бурилиш нукталаридагина, дарё сингари, харакатга келади. Йўлчи хам муайян тарихий фурсатда нафакат Тошкент, балки бутун Ўрта Осиё ва Козогистон бўйлаб кўтарилган халқ рухининг ифодачисига айланади. Шу маънода Йўлчи Отабекка нисбатан чукур ижтимоий илдизга эга бўлган ходиса. У сиёсатлашган, тўгрироги, елкасига иж-тимоий вазифа юклangan кишиларнинг тимсоли. "Ўтган кунлар"га нисбатан Ойбек романидаги тасвирда ижтимоий катламнинг кенг ўрин эгаллаши, воқеалар ривожининг борган сайин ижтимоийлашиб, сиёсий рух касб этиб боришининг сабаби хам худди шундадир.

"Кутлуг кон" романидек, "Ўтган кунлар" хам тарихий сюжетга асосланган.

"Тарихий сюжетига молик романлардан, — деб ёзган эди Ойбек "Абдулла Кодирийнинг ижодий йўли" монографиясида, — тарихий хакикатга бадиий образлар оркали эришув ва мозий картинасини аслига монанд бериш, асрларга кўмилган хаётни бадиий кайтадан яратиш, образларда жонли хаётни кўрсатиш талаб килинади. Бадиий образларда кайтадан яратилажак даврнинг конкрет тарихий мазмунини бериш, ўтмиш давр фактлари, воқеаларнинг объектив маъносини кўрсатиш, умумлаштириш, даврнинг

ижтимоий муносабатларини одамлар образи оркали кўрсатиш жуда муҳим ". Ойбек "Ўтган кунлар"га хам, ўзи яратажак "Кутлуг кон"га хам шундай талаблар асосида ёндошли. Айникса, Абдулла Кодирий романини шундай бадиият талаблари асосида ўрганиб, ундаги ибратли ва нуксонли ўринларга эътиборни каратди. Шубҳасиз, биз "нуксон" деганда тадқикотчига синфиийлик нуктаи назаридан нохуш кўринган нукталарни назарда тутамиз.

Ойбек давом этиб, ёзади: "Ўтган кунлар " романи тарихий сюжетга эга. Хакикатдан, асарга жуда кўп тарихий материалларни кўпроқ киритиб, асарда тарихий турмушни эслаттиришга, тарихий манзарани таъмин килишга муваффак хам бўлади. Вокеаларни чиндан хам тарихий бир шароитда, тарихий картиналар доирасида инкишоф килади. Вокеаларнинг давомида ёзувчи обстановкани (шароитни— Н.К.) шундай тасвирлайдики, чиндан хам бўёклар турмушнинг тарихий хусусиятга эга эканини гавдалантиради. Лекин романда тарихий жараённинг мохияти хамма вакт хам образлар, характерлар, уларнинг инкшофи оркали очилиб бормайди. Тарихийлик кўпинча факат чиройли ёзилган бир хроника характеристида берилади".

Ойбекнинг бу сўзларидан кейин тарихий сюжет тушун-часига ойдинлик киритиш жоиз. Аввало шуни айтиш керакки, хар иккала асар хам тарихий роман жанрига мансуб. Бир пайтлар мутахассислар Ойбекнинг "Кутлуг кон"ини 1916 йил вокеаларидан кейин атиги йигирма бир йил ўтгач ёзганини назарда тутиб, романнинг тарихий жанрга мансублиги масаласида баҳслашган эдилар. Холбуки, бу тарихий вокеа хакида изма-из ёзилган тақдирда хам "Кутлуг кон"ни тарихий роман деб аташ учун барча асослар бор эди. Бинобарин, ўтмиш хаётдан олинган асарнинг тарихий бўлиши шубҳасиз. Лекин барча тарихий асарларда хам тарихий сюжетнинг бўлиши шарт эмас.

"Ўтган кунлар"даги тарихий сюжет Ойбек хроника деб атаган вокеаларни ўз камровига олади. Азизбек ва Мусул-монкул тарихий шахслар бўлибгина колмай, уларнинг бири Тошкентни, иккинчиси эса умуман Кўкон хонлигини идора этган ва шу даврдаги тарихий шароитга таъсир кўрсатган шахслардир. Абдулла Кодирий XIX асрнинг иккинчи ярмида Азизбек ва Мусулмонкулнинг бедодлиги туфайли мураккаблашган халқ хаёти лавхаларини ўз романига тарихий сюжет сифатида жалб этган. Отабек ва Кумуш ўртасидаги муҳаббат муносабатлари бу тарихий сюжетсиз хам яшashi ва тасвирланиши мумкин. Аммо адид ўз олдига реалистик тарихий романни яратиш вазифасини кўйган. Китобхон, унинг бадиий ниятига кўра, Отабек ва Кумушнинг, улар оташин муҳаббатининг мавжуд бўлганига ишониши лозим эди. Шундагина биринчи ўзбек романни олдига кўйилган максадга эришилиши мумкин эди. Алалхусус, Абдулла Кодирий Отабек ва Кумуш яшаган даврнинг тарихий манзарасини ёркин ифодалаш, улар халокатининг ижтимоий илдизларини очиш истагида бояги тарихий сюжетни асар "тўкилма"сига (Ойбек ифодаси) киритган. Бу, биринчи навбатда, асар вокеалари тарихий фонининг аник бўлишини таъминлаган, иккинчидан, қаҳрамонлар хаёти ва муносабатининг турли реал синовлардан ўтиши, халокат ёқасига келиб колиши-ю худди шу нуктада улар маънавий куч-кудратининг бутун гўзаллиги билан намоён бўлишига имкон яратган, учинчидан эса, асарнинг маърифий кимматини реал тарихий маълумот ва тафсилотлар билан оширган.

Бу тарихий сюжет "Ўтган кунлар"нинг бадиий курилмасида ўқтин-ўқтин юзага чикиб, момагулдирак сингари, тарихий давр пўртаналяридан дарак бериб туради.

"Кутлуг кон" худди шу масалада Абдулла Кодирий асаридан фарқланади. Унда ёзувчи томонидан каламга олин-ган аксар вокеалар бадиий тўкима маҳсули ўларок тасвир

этилиб ва ривожланиб боради. Бу вокеалар тарихий давр рухи билан мутлако уйгун. Хатто Йўлчи билан Гулнорнинг севги муносабатлари хам шу тарихий давр манзаралари фонида гоҳ сўниб, гоҳ ёниб боради. Йўлчи тарихий давр, ижтимоий мухит томонидан гаровга олинган шахс сифатида харакат этади. Романда мухаббат мавзуининг "кизил ип" сингари ўтмагани, ишкий туйгу ва муносабатларнинг баланд, юлдузўпар чўккиларга кўтарилимагани боиси хам шунда. Аммо роман вокеалари изчилбир тусда ривожлана бориб, тарихий сюжет билан табиий равишда кўшилиб, ажралмас бир окимга айланиб кетади. Бу тарихий сюжет эса 1916 йил мардикорликка олиш вокеалари муносабати билан Тошкентда гуруллаб ёнган кўзголондир.

Ойбек болалик кезларида бу вокеаларни ўз кўзи билан кўрган. Гарчанд таржимаи холида романни ёзиш учун материал йигиб ўтиридим, деган эса-да, адаб архивидаги хужжатлар, кутубхонасидағи 1916 йил кўзголонига оид китоблар унинг асар ёзишдан аввал тарихий материални пухта ўрганиб чикканидан гувохлик беради. У ана шу манбалар ёрдамида роман тўкилмасидаги тарихий сюжетни хакконий акс эттиришга эришган.

Яна такрор бўлса-да, айтиш лозимки, Йўлчи ва бошка қаҳрамонлар тарихий сюжетга узвий равишда келиб кўшилганлари холда, тарихий сюжет "Ўтган кунлар" романида, Ойбек айтмокчи, "чиройли ёзилган бир хроника" тарзида колади. Гарчанд Ойбек бу холга нуксон сифатида караган бўлса-да, тарихий сюжетдан кандай фойдаланиш Абдулла Кодирийнинг ижодий нияти ва ёзувчилик хукуки билан бөглиқ эканини унутмаслик лозим.

Аблулла Кодирий талкинилаги тарихий сюжет уч компонентдан иборат. Булар: халк асарнинг бош қаҳрамонлари ва тарихий шахслар. Улар ўзаро бирлашган холла тарихий сюжетни ташкил эталилар.

Халк тарихий сюжетда етакчи ролни ўйнаши хам, ўйна-маслиги хам мумкин. "Ўтган кунлар"да у холни хам, бу холни хам кўрамиз.

Мана, XIX аср ўрталаридағи, хатто 1937 йилда хам томошабин бўлиб колган халк: "Карамокгагина эмас, сўзлашга хам даҳшат: Камолон дарвозаси билан Самаркандгача бўлган кўргон остлари (бу икки дарвоза оралари беш юз адим келадир) бошсиз ва иштондан бошкаси тунолган инсон гавдалари билан тўлибдир. Бу очик мозористонни кўргон кунгиралари устида мудофаадан сўнг чарчаб, куёшда жилмайиб ўлтурган саллалик, калпоклик ва попоклик Тошканд мудофиълари минг турлик шодликлар ичida томоша киладирлар. Бу икки дарвоза орасида икки хил холат хукм сурадир — кўргон остларида жаханнам даҳшати билан ялангоч, боши танидан олиниб, кора конига беланганд одам гавдалари ётиб, кўргон устида иккинчи кишилар дунё шодлиги ичida сузадилар" (81-бет).

Аслида, ўликлар хам, тириклар хам бир халкка мансуб. Уларнинг бири тошкентлик, иккинчиси Кўкон хонлигига карашли кишилар. Агар вазият кўконликлар фойдасига хал бўлганида, улар Кўкон устида туриб, ўз курбонларининг бошсиз, ялангоч гавдалари устидан тантана килган бўлар-дилар.

Азизбек тантана килаётган халкка не-не жабр ва зулмлар келтирган. Лекин халк Азизбек танг ахволга тушиб, тилёгламалик килганида, унинг сўзларига ишониб, Тошкентни қаҳрамонона химоя килади. Ва шу жараёнда ўз биродарларини, кондошларини халок этаётганини ўйлаб хам кўрмайди. У, маълум маънода, пода.

Азизбек сингари кишилар каерга бошласа, ўша ерга боради, каерни пайхон этишни буюрса, ўша ерни вайрон килади. Аслида, 1937—1938 йилларда бегуноҳ отилган,

камалган, жабрланган "халк душманлари" устига лаънат тошларини ёгдирган халк хам шу оломон, шу омий оммадир.

Романда Отабек билан халк ўртасида якин алока йўқ. Бу алокани биз Юсуфбек хожи образи талкинида кўрамиз. У Маргилонга, Отабекка йўллаган машхур хатида Азизбек томонидан алданган халк тўгрисида бундай сўзларни ёзади:

"Кечагина конлик киличини фукаро устида юргузиб тур-ган Азизбекка унинг тиги зулми билан кора конига беланган ўглининг, отасининг, онасининг, огасининг мазлум гавдаси тупрок остида хали чириб битмай туриб, бу кун халк яна Азизбекка, ўша конхўрга ўз кони билан ямин этди (онт ичди - Н.К.)..."

Азизбек:

"Рахмат, фукаро! Оркамда сизнингдек фукаром турганда менга хеч бир кайгу йўқдир!"

Халк:

"Сиз омон бўлиб осойиш ўтирангиз, кипчокка йўл бермаймиз, таксир! Кўргон тузатишха фотиха берингиз, таксир.

Азизбек фотиха берди. Халк уруш хозирлигига киришди. Ана, ўглим, бизнинг халкнинг холига йиглашни хам билмайсан, кулишни хам! Хар холда Тошканд устида конлик булатлар чикди... " (39-40 бетлар).

Азизбекнинг бу сўзларини ўкир экансиз, халкнинг ўз ёстигини курутган Сталинга 1937-1938 йилларда канчалик ишонч, хурмат ва мухаббат билдиргани кўз олдингизга келади. Нахотки, халкнинг кўзлари мустабид раҳбарнинг тобора кучайиб, консираб бораётганини кўрмаган бўлса, деб хайратга тушасиз.

Кўкон хонлиги устидан муваккат галабага Азизбек осонлик билан эришмади: хазина бўшаб колди. Етмиш кунлик камал пайтида дехкончилиги, кундалик ташвишлари колиб кетган халкнинг ахволига маймун йиглайдиган бўлди. Аммо шу халкнинг жасорати эвазига голиб чиккан Азизбек ўзига янги, кўркамрок тож-тахтни орзу килди, халкка ўттиз икки тангадан солик солди. Халкни хонавайрон килувчи бу соликни ундириш Юсуфбек хожининг гардонига юклатилди.

"Ўттиз икки тангадан солик йиг, эмиш... Бир хафтадан кейинга колмасин, эмиш... Гўё Юсуфбек хам ўзидек бир конхўрга, бир эолимга айлансин, эмиш... Мен конхўрлик учун худонинг фарз килган хажини адо килмадим; олдимда ўглум бор, менда бошкаларнинг ўглини даррага ётказиши чогида кўндаланг келтирган виждан бор, дин бор, диёнат бор "(109-бет).

Юсуфбек хожининг хаёлидан шундай фикрлар, кечинмалар ўтади. Ва бу кечинмалар оловидан бундай дуд кўтарилади:

"Бизнинг халкни ер ютсин. Азизбекнинг тулкилигига учди-да...

Адолатсизликнинг метин деворига иккинчи бор боши билан урилиб, кўзи очилган халк Юсуфбек хожи даъвати билан Азизбекка карши бош кўтариб, ўзидаги ички кудратни намойиш этади. Азизбек шармандаларча маглуб бў-лади.

Ана шу тарихий сюжет тасвирида бир неча мухим нукталар бор. Шулардан бири каҳрамонларнинг, хусусан Юсуфбек хожининг халкка бўлган муносабатидир.

Юсуфбек хожи халкнинг ижтимоий савиясини яхши билади. Унинг яхши яшаш, эркин нафас олиш, тинч ва осуда рўзгор тебратиш ва ўзидан авлод колдиришга бўлган хукукини чукур тушунади. Шу билан баравар унинг жамиятда рўи бераётган воқеалар олдида масъулияти эканини хам унутмайди. Айни пайтда у кўзи очик бўлгани холда золимни хам кўллаб-кувватлаган, унинг макрига учган халкдан ихлоси кайтиб, "Бизнинг халкни ер ютсин!" деб ич-ичидан ўсиб чиккан фигонни яширмайди, яшира олмайди.

Масаланинг нозик томони шундаки, Юсуфбек хожи халкнинг ана шу эргашувчилик хислатини яхши билгани ва ўзи хам Азизбекка карши курашда фойдалангани холда унинг кўзини очиш, ички, руҳий куч-кудратини рўёбга чикариш борасида хеч нарса килмайди. Холбуки, зиёлиларга, халкнинг пешкадам кишиларига лозим бўлган бу вазифани бажариш учун XX аср бошланиши ва жадидчилик харакати юзага келиши шарт эмас эди. Бинобарин, Абдулла Кодирий, ўзи истамаган холда, Юсуфбек хожи сингари кишиларнинг ижтимоий фаолсизлигини, нуксонларини кўришимизга имконият тугдиради.

Хуллас, XIX аср ўрталаридаги баъзи бир нохуш, хаттоки фожиали воеаларнинг юз беришида, Юсуфбек хожининг фикрича, халкнинг хам айби бор.

Юсуфбек хожи - Отабекка нисбатан бошка, ёши улуг авлоднинг вакили. У Шамайгача бориб, яхши-ёмонни кўрган, дунё тўгрисидаги тасаввурлари тўларок ва тўгрирок бўлган Отабекдан, албатта, фарқ килади. Абдулла Кодирий ўзбек халки тарихининг айрим муҳим масалаларига оид фикрларини Отабек оркали айтади ёхуд унинг бундай карашларини айнан келтиради.

Энди Отабекнинг асар бошида, маргилонлик илк танишлари билан бўлиб ўтган сухбатига эътибор берайлик:

"- Шамайга бормасимдан илгари ўз хукумдорлигимизни кўриб, бошкалар хам шундайдир, деб ўйлар эдим, - деди Отабек, — лекин Шамай манинг фикримни ост-уст килиб, ўзимни хам бутунлай бошка киши ясади. Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчок бўлганлигини икрор этишга мажбур бўлдим...

Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, холимизнинг нима бўлишига аклим етмай колди... "(16 бет).

Шу руҳдаги сўзлардан кейин бундай хulosавий фикр ўртага ташланади:

Манимча, ўриснинг биздан юкоридалиги унинг иттифокидан бўлса керак, — деди Отабек, — аммо бизнинг кундан-кунга оркага кетишимизга ўзаро низоъимиз сабаб бўлмокда... Орамизда бу кўркунч холатка баҳакки тушунадиган яхши одамлар йўқ, билъакс, бузгучи ва низоъчи унсурлар томир ёйиб, хар замон содда халкни халокат чукурига караб тортадилар..." (17-бет).

Абдулла Кодирий бу ерда тасвир этилаётган жамият анатомиясини Отабекнинг тили билан очиб беришга уринган. Отабек эса, биринчидан, истилочи кучи унинг ахиллигига, иттифоклигига эканлигини таъкидлаган бўлса, иккинчидан, мустамлакага айланиш арафасида турган юртда шу иттифокликнинг йўклиги, аксинча, ўзаро низолар бизнинг кундан-кунга оркага кетишимизга сабаб бўлаётганлигини айтади. Адиб ижодининг муҳлисларидан бири — Тохир Малик ушбу нашрга ёзган сўнг сўзида мазкур масала хакида мулоҳаза юритиб, бундай якунга келади:

"Юртнинг кора кийишига сабаб нима? Худоёрхоннинг харбий жихатдан колоклигими? Йўқ! Халк орасида тотувлик йўклиги асосий сабаб бўлди. Ёзувчи тарихни тўгри англаб, тўгри тахлил килиб, ўз хulosаларини дам очик тарзда, дам рамзлар оркали ифода килганлар".

Халкнинг савиаси боягидек бўлгани холда хамма айбни унда тотувликнинг бўлмаганига кўйиш соддаликдир. Амир Темур асос соглан кудратли давлатнинг асрдан-асрга дарз кетиб, кучизланишига сабаб шахзодалар ўртасида парчаланиб, турли хонлик ва амирикларга айланиши ва ички низоларнинг авж олишигина эмас, балки, энг аввало, давлат тузумининг, механизмининг асрлар мобайнида ислоҳ этилмай, чириган унсурлари янгиланмай, занг босиб колишидир. Эҳтимол, Отабек "ўриснинг идора ишлари" борасида

сўзлаганида шу фикрни хам айтмокчи бўлгандир.

Хар холда Аблулла Кодирийнинг тарихий сюжетни тасвирилашда турли усуллардан фойлалангани сезилиб туради.

Энди яна Камолон ва Самарканд дарвозалари якинидаги даҳшатли манзарага кайтайлик.

"Уч-тўрт юз инсон бошидан тургузилган бир тепа.

Каричга келадирган узун соколлар, бошдаги хун олуд (кон-га беланган — Н.К.) сийрак соchlари бўзарган юзлар, конга беланиб, ярим оч холда корачик ўрнини кўркунч бир оклик боскан кўзлар дунёга ва хаётга лаънат укугандек карайдир-лар. Айникса, бир бош, эхтимолки, хали йигирма йилни хам ўтмагандир, мурти хам чикмаган. Хун олуб куюк кошлар ортидаги ярим очиккўзлари кимнидир излагандек карайдир... Ярим очин иринлари (лаблари — Н.К.) ичида оқ тишлари билан тилини гарчча тишлаган-да, гўё шу турмушда, шу бесар халк ичида тугилгани учун "аттанг" ўкуйдир" (66-67-бетлар).

Адиб шу вахшиёна манзарага на Юсуфбек хожи, на бошка бир каҳрамоннинг нигохи билан караган. Йўк, унинг ўзи худди шу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлгандек, уч-тўрт юз инсон бошидан хосил бўлган тепага кўзларини катта очиб карайди. Уларнинг айримлари холатида котиб колган фикрни ўкийди. Уларнинг тирикларга караганда фожия мохиятини яхширок кўрган, бинобарин, бесар халк, яъни акл-хушидан маҳрум бўлган, манкурт одамлар эмаслигига умид килади. Абдулла Колирий ана шу тарихий манзара тасвирида буюк гуманист ёзувчи сифатида кад кўтаради.

Шундай килиб, тарихий сюжет ва тарихий манзара гарчанд асар каҳрамонлари характеристи оркали инкишоф этилмаса-да, ёзувчига ўтган кунлар хакикатини рўй-рост кўрсатиш имконини берган, деб айтишимиз мумкин.

Тарихий сюжетнинг бадиий мужассамланиши турли омиллар иштироқида кечади. Ана шу омиллар, ўз навбатида, тарихий манзарани вужудга келтиради.

"Кутлуг кон" романидаги тарихий сюжет 1916 йил Тошкент кўзголони тасвиридан иборат. Кўзголон воқеалари эса асарнинг сўнгги, ўн саккизинчи бобининг иккинчи ва учинчи фаслларини ташкил этган, холос. Лекин асарнинг дастлаб-ки барча бобларида тасвириланган вокелик шу сўнгги воқеани — икки ёклама зулмга карши кўтарилиган миллий озодлик харакатини яратувчи заминдир. Ана шу заминда содир бўлган асосий воқеалар романдаги тарихий манзарани нурлантириб туради.

Бу воқеалар нималардан иборат? Биринчидан, мустамлакачилик шароитида яшаётган оддий халк икки ёклама зулм натижасида, Биринчи жаҳон уруши олиб келган иктиносидий ва ижтимоий муаммолар таъсирида янада кашшоклашади, айrim кишилар, масалан, Йўлчи ер-сувидан маҳрум бўлиб, шахарга келиб, бойлар кўлида чорикорлик килишга мажбур бўлади. Ушбу вазиятдан фойдаланган маҳаллий бойлар эса бева-бечораларнинг ер-сувларини арzon баҳога сотиб олиб, бойлик орттирадилар. Тарихий шароит халкни ана шу тарзда икки соҳилга ажратиб юборади. Ойбек ўз асарида ана шу жараённи Йўлчи ва унинг дўстлари такдири оркали ёркин кўрсатиб берган.

Тарихий манзаранинг иккинчи томони шундаки, кундан-кунга кучайиб бораётган табакаланиш ортида кудратли бир куч — мустамлакачилар ва улар идора этаётган давлат машинаси туради. Улар маҳаллий бойлар ёрдамида мустамлака ўлкани бошқараётганлари учун зулм камчиси камбагал халкнинг елкасида синади, хакикат тарозуси хам маҳаллий бойлар тарафига оғади. Бу хол уларнинг адолат байрогини истаганча оёқости килишларига имкон беради. Ўлкадаги ана шу вазият мустамлакачиларга хам, маҳаллий бойларга хам кулай ва макбул. Шунинг учун улар

халкни зулмат кўйнида ушлаб туришга, янги давр гояларининг ўлкага кириб келмаслигига харакат киладилар. Асардаги воеалар занжирида даврнинг шу хакикати очилиб боради ва хаёт хакикатининг шундай нурланиши жараёнида каҳрамонлар иникишофи юзага келади.

Мустамлакачилик тузуми ўз коидаларига эга. Бу тузум забт этилган ўлкадан барча бойликларни, шу жумладан, маданий бойликлар ва осори атикаларни хам олиб кетади ва булар эвазига фохишибозликни, ичкиликбозликни олиб киради. Тантибойвачча билан Салимбойваччанинг Гулнорни олиб кочиб яширишдан максадлари хам шу бечора киз билан айш-ишрат килиш. Бойлар меҳнатсиз топган пулларини ресторонлардаги ойимкизлар устидан сочадилар.

Дарвоке, асаддаги айрим каҳрамонлар ва, умуман, мустамлакачилик тузуми мохияти ресторонлардаги сухбатлар пайтида очилади.

Абдушукур Жамолбой ва Салимбойвачча билан ресторанда майшат килиб ўтирас эканлар, ўқиган бой билан ўқимаган бой ўртасидаги фарқ мавзу боиси бўлиб колади: Бу чизи тўғри гап. Ўзимдан киёс киламан. Ишим ёмон эмас-ку, лекин йўл-йўрикни билмайман. Закунга тушунмайман. Ўрис орасида юриб, беш-ўнта сўз ўрганиб олганман, шуни ишга солавераман. Энди болаларимни ўқитмокчиман-у, аммо дини сусайиб кетмасмикан, деб кўркаман. Тунов кун бир аброзаван ўрис билан учрашганимда, энди бизнинг "сартия" болалари хам школда оз-моз ўқияпти, десам, у хафа бўлди... "Сарт чистий халк, школда сартнинг дини бузилади, сенларнинг эски школларинг яхши", деди. Кофир бўлса хам инсофли экан, деб ўйладим" (91-бет).

Махаллий халк фарзандларининг хатто рус-тузем мактабларида ўқишини хоҳламаган рус Жамолбойга хам ўқимишли (образованный), хам инсофли бўлиб кўринади. Худди шу маданиятли рус кишисига ўхшаш бошка бир кўзойнакли, кийимига зеб берган кимса ресторанда шеригини бундай "кашфиёти"дан викиф килади:

Сартлар ирк жихатдан, албатта, паст, — тарелкадаги гўштни пичок билан кеса туриб гапирди чиновник, — улар маданиятга мутлако кобилиятли эмас. Якинда бир профессор илмий жамиятда бу даъвони жуда яхши исбот килди. Биласизми, мен бу иссик мамлакатда йигирма йилдан бери яшайман. Сартларнинг психологиясини яхши ўргандим. Улар иркан паст. Лекин шунга карамай, баъзи хусусиятларни кўрсатадиларки, буни фан хали ойдинлата олмайди. Менинг мушоҳадамга караганда, уларда, масалан, бадиий сезги анча ўсган. Улар гулни севадилар. Кийимлари чиркин бўлса хам кулокларига гул кистириб юрадилар... Лекин уларнинг хаммаси кўркок, хаммаси айёр..." (97-бет).

Рус амалдори бу сўзларни айтмасидан аввал маст Салимбойваччанинг саховати тутиб, кўчада совук котган Йўлчини ресторанга таклиф этади. Йўлчининг атрофини бир зумда Анна билан Мария ўраб олиб, уни шароб ичишга мажбур килмокчи бўладилар. Шу пайт... "Йўлчининг оркасидан кимдир туртди. Йигит ялт этиб каради: баланд бўйли, йўгон, серсокол, текис соchlари мой суркалгандай йилтираган кекса рус унинг оркасида турарди. У "эшикка чик!" деган маънони кўл билан ишорат килди. Йўлчининг бошидан олов куйгандек туюлди..." (96—97-бетлар).

Бу сўнгги лавхани ўкир эканмиз, биринчи ўзбек кинорежиссёри Сулаймон Хўжаевнинг 1916 йил Жиззах кўзголонига багишланган "Тонг олдида" фильмидан омон колган кадрлар кўз олдимиздан ўтади. Бу кадрларда Тошкент куранти ёнидаги томошабог тасвиrlанган бўлиб, унинг дарвозаси олдидаги лавхага катта харфлар билан "Сартам и собакам вход воспрещается" деган сўзлар ёзилган эди.

Ана шу тарзда Мирзакаримбойлар Йўлчиларнинг тумордек ерини карз хисобига тортиб

олиб, у севган кизга ўзлари эга чикадилар. Ўлкага янги маданиятни олиб келган мустамлакачилар эса Йўлчиларни улар ютидаги истирохат боғларига хам йўлатмай, ресторонлардан кувиб чикармокчи бўладилар. Бу, икки томонлама зулмнинг ёркин тимсолидир.

"Кутлуг кон" романидаги ана шу тарихий манзара тарихий сюжет билан узвий бадиий муносабатга киришиб, тасвир этилган давр хакикатини хакконий гавлалантириб берган. Хар иккала асардаги тарихий сюжет ўзбек халки хаётининг турли, аммо бир-бирларига тарихан якин давридан олинган. Бу хар иккала давр — XIX асрнинг 60-йиллари ва XX асрнинг 10-йилларида рўй берган халк такдири билан боғлик воқеалар ўзбек адабиётининг бошка намуналарида хам ўз тасвирини топган. Аммо бу асарларда даврнинг тарихий манзарапарига оид айрим лавхалар тўгри акс эттирилгани холда тарихий сюжет, Абдулла Кодирий ва Ойбек асарларида бўлганидек, катта фукаролик жасорати ва ёзув-чилик маҳорати билан бадиий ифодасини топмаган.

Наим Каримов